

Семинар

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши томонидан «Бошланғич партия ташкилоти партиянинг мустақкам таянчи» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Партиянинг мустақкам таянчи

Унда партия Марказий Кенгаши бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш сектори ходимлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, Тарғиботчилар гуруҳи ҳамда БПТ аъзолари иштирок этди.

Семинарда бошланғич ташкилотларнинг фаолияти ҳамда жойлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорлигини кучайтириш, етакчилар салоҳиятини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

— Бошланғич партия ташкилотларида турли ижтимоий-сиёсий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда, — дейди **Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Шоира Норкулова**. — Жумладан, «Хар бир инсонга меҳр ва мурувват кўрсатиш бурчимиздир», «Халқ билан мулоқот — ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўли» лойиҳалари доирасидаги тадбирлар ҳамда «Фарзанд тарбиясида оиланинг ўрни», «Одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорлиги» мавзуларида давра суҳбатлари партиянинг аъзоларида кизиқиш уйғотмоқда. Етакчилар маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳудудларда ечимини кутаётган масалалар бўйича таклифлар бермоқда. Аниқланган камчиликлар партия гуруҳлари ййигилишларида қўриб чиқилиши.

Улуғбек РАҲМОНОВ

БИЛИМЛИ, ТАШАББУСКОР ВА ТАШКИЛОТЧИ

ёшлар танлови ғолиблари аниқланди

Партиянинг ёш аъзолари, фаоллари, хайрихоҳлари «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши биносида «Ёш сиёсатчи — 2017» Тошкент шаҳар босқичи бошланишини кутишмоқда. Айниқса, ғолиб бўлишни ният қилган 12 нафар иштирокчининг ҳаяжони чексиз.

Суҳбатлашганимизда, ёшларнинг аксарияти ўз бизнесини ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш ниятида экани, янги лойиҳалар устида ишлаётгани ҳақида гапирди. Олмасор тумани шарафини химоя қилаётган **Бекзод Мустафоев** шундай дейди:

— Ўзбекистон Миллий университетида магистратура босқичида ўқиялман. 13 ёшимда бахтсиз воқеа сабаб кўзим кўрмай қолди. Албатта, бошида тушунлиққа тушдим. Вақт ўтган сари олдинги интилиш кераклигини англадим. Ўқидим, хунарга ўргандим.

Ўзимга ўхшаган имконияти чекланган инсонларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва жамиятдаги фаоллигини ошириш учун нима қилсам экан, деган ўй менга тинчлик бермай келади. Бизга ким, қандай ёрдам бера олишини ўргана бошладим. ЎзХДПнинг ғоялари менинг режаларимга ҳамоханг экан. Шу партияга аъзо бўлдим. «Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг туман босқичида ғолиб бўлиб, Тошкент шаҳар босқичига ўтдим.

Бугун учинчи шартда тақдим этмоқчи бўлган лойиҳам кўзи оғзи ва заиф кўрувчиларни инклюзив касб-хунарга йўналтиришга бағишланган. Бу лойиҳа амалга ошса ишсиз, имконияти чекланган кишилар хунари бўлади, ҳаётда ўз ўрнини топади.



Олмасор туман партия кенгаши раиси Камолитдин Акрамовнинг ҳаяжони Бекзодникидан кам эмаслигига суҳбат мобайнида амин бўлдик.

— Одатдагидек иш кунларининг бирида телефоним жиринглади, — дейди у. — Бир йигит салом-алиқдан сўнг партиямизга аъзо бўлмоқчилигини, дастуримиз билан танишиб чиққанини айтди. Сафимизга қабул қилдик. Натижасини кўриб турибсиз. Бир йил бўлмасдан кўрик-танловнинг туман босқичидан ўтиб, шаҳар босқичига етиб келди. Ишонаманки, у бугун фахрли ўринлардан бирини эгаллайди.

Танлов давомида иштирокчилар уч шарт асосида белланишди. Ўз имкониятлари, билим даражаларини синовдан ўтказишди. Партиянинг Сайловолди дастури, сиёсий партиялар фаолияти, Олий Мажлис палаталари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар ва Ҳаракатлар стратегияси

мазмун-моҳиятига оид саволларга иштирокчилар дадил жавоб қайтаришди.

Кўрик-танловнинг иккинчи — нотиклик маҳорати шарида шайхонтохурлик иштирокчи **Кенжаполвон Абдуназаров** «Мен депутат бўлсам...» мавзусини маҳорат билан очиб берди. У тумандаги муаммолар ва уларга ечим топиш масалаларида ўз таклиф-мулоҳазаларини айтиб ўтди. Бу чиқиш ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Учинчи шартда ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган қатор лойиҳалар намойиш этилди.

— «Истиқбол» ёшлар қаноти таркибда битирувчиларни ишга жойлаштиришга кўмаклашувчи гуруҳ тузиш масаласи илгари сурилган лойиҳани тақдим этдим, — дейди **Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик-лицей ўқувчиси Хонзода Холматова**. — Лойиҳа доирасида

Сергели тумани коллеж ва ташкилотлари қамраб олинган. Бир ойлик таҳриба натижасига кўра, 15 нафар битирувчи ишга жойлаштирилди.

— Тўғриси, танловни кузатиб, партиямиз сафида салоҳиятли ёшлар кўплигидан хурсанд бўлдим, — дейди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов**. — Уларнинг ҳар бири ўз маҳорати, билимини намойиш қила олди. Келажакда улардан яхши мутахассислар етишиб чиқишига ишонаман.

Ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосаси эълон қилинди. Унга кўра, **Мирзо Улуғбек туманидан Элдор Воҳидов биринчи, Олмасор туманидан Бекзод Мустафоев иккинчи, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидан Санъатбек Музаффаров учинчи ўринни** эгаллади.

Қатор номинациялар бўйича ҳам совриндорлар аниқланди.

Махлиб АЛИКУЛОВА

Фотух АЛИЕВ олган суратлар.

ЎзХДП ҳаётидан

Сирдарё вилоят ва Гулистон туман кенгашлари «Халқ билан мулоқот — ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг энг самарали йўли» лойиҳаси доирасида тадбир ўтказди.

МУРОЖААТЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

Унда партия фаоллари, халқ депутатлари Гулистон туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, ҳамкор ташкилот ва муассасалар вакиллари аҳоли билан мулоқотда бўлиб, уларни ўйлантириб келаётган масалаларни ўрганди.

— Маҳаллага йўловчи ташиш транспорти ажратилиши юзасидан қанча мурожаат қилишимизга қарамай ҳал этиб берилмапти, — дейди **Гулистон тумани «Қизилбод» маҳалласидан Дилрабо Абдурашулова**. — Хусусий таксилар хизмат нархи қиммат. Кечки қатнов учун яна бир донна автобус ажратилганда, хурсанд бўлардик.

Мулоқот давомида ҳудудда газ баллонлари етарли даражада тарқатилмаётгани, бу эса оилаларга бир мунча қийинчиликлар туғдираётгани айтилди. Шу ва бошқа муаммоларни зудлик билан ижобий ҳал этиш чораларини кўриш юзасидан вазибалар белгиланди.

Бу каби мулоқотлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидаги маҳаллаларда ҳам давом этмоқда.

Света ВЕРЕТЕННИКОВА, ЎзХДП фаоли.

Реклама ўрнида



«АГРОБАНК» — ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР МАДАДКОРИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ишбилармонлик билан шуғулланаётган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Чунки ундан келадиган даромад, аввало, оила фаровонлигини таъминлайди, халқимизни турмуш шароитини янада яхшилайдиган. Бугунги кунда тижорат банклари хизматидан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини йўлга қўяётган хотин-қизлар томонидан ўнлаб, юзлаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Юртимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида етарли шарт-шароитлар яратилганлиги, тегишли ҳуқуқий базанинг мустақкамланганлиги боис йилдан-йилга уларнинг яратувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилияти яққол намойиш бўлмоқда.

Буни оилавий тадбиркорлик, касаначилик, қандолатчилик, тикувчилик ва ишлаб чиқаришда самарали фаолият олиб бораётган аёлларнинг қўлга киритаётган ютуқларида ҳам кўришимиз мумкин.

Хотин-қизларнинг ишбилармонлик фаолиятини янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизнинг етакчи банкларидан бири — «Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг бу борада олиб бораётган ишлари эътиборга молик. Хусусан,

молия муассасаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аёллар тадбиркорлиги, касб-хунарга коллежалари битирувчиларининг ўз фаолиятини бошлашига, оилавий тадбиркорлик ва бошқа йўна-

Ўз ишини бошлаётган одамга ҳар томонлама ёрдам керак бўлади. Унга ишини тўғри ташкил қилишда кўмак берилса, етарлича маблағ ажратилса, маълум бир йўналишда иш бошланади. Янги иш ўринлари пайдо бўлади.

лишларни тараққий этишига қамарбаста бўлмоқда.

Барча молиялаштириш манбалар ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун 500 миллиард сўмга

яқин кредит маблағи йўналтирилганининг ўзи ҳам бу масалага қанчалик устувор аҳамият берилаётганини кўрсатиб турибди.

Ушбу маблағлар халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, касб-хунарга коллежалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитининг кенг қулоқ ёзишига хизмат қилмоқда.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш, бизнесни бошлашда банкларнинг молиявий мадади муҳим ўрин тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда «Агробанк»нинг жой-

истагида бўлган хотин-қизларга банк кредитлари ажратилишида яқин кўмакчи бўлаётди.

— Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, ишбилармон аёлларга алоҳида эътибор қаратиш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда, — дейди **хўжаободлик якка тартибдаги тадбиркор Робия Исақова**. — Бу жараёнда тижорат банклари фаол иштирок этиб, аҳолига молиявий жиҳатдан кўмак бераётгани таҳсинга лойиқ. Анчадан бери тикувчиликни йўлга қўйиш ниятида эдим. «Агробанк»нинг Хўжаобод филиали томонидан ажратилган 24 миллион сўмлик кредит ана шу орзумни ушатишига ёрдам берди. Ҳозирги пайтда маҳалламиздаги қизларни иш билан таъминлаганмиз. Келажакда тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтирмоқчиман.

— Ўз ишини бошлаётган одамга ҳар томонлама ёрдам керак бўлади. Унга ишини тўғри ташкил қилишда кўмак берилса, етарлича маблағ ажратилса, маълум бир йўналишда иш бошланади. Янги иш ўринлари пайдо бўлади, — дейди **Ширин шаҳридаги Мирзо Улуғбек МФЙда истиқомат қилувчи якка тартибдаги**

тадбиркор Наргиза Абдуқаҳҳорова. — Президентимиз томонидан микрокредитлар ажратиш бўйича қабул қилинган қарор фаолиятимни бошлашда мадад бўлди. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида бизнес-режа туздим, лекин уни амалга ошириш учун етарлича маблағим йўқ эди. Бизнес-режамни банкка тақдим қилиб, жавобини кутдим. Банк ходимлари қисқа фурсатда тегишли кредит ажратиб беришди, бундан хурсандман.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларини, интилишларини қўллаб-қувватлаш энг аввало, уларнинг ўзи ва оиласи иқтисодини яхшилашга, аёлларни жамият ҳаётида фаол иштирок этишига, ҳаётидан рози бўлиб яшашига, нафақат оила фаровонлигига, балки мамлакат фаровонлигига ҳам ҳисса қўйишига хизмат қилади. Ана шу эзгу мақсадлар йўлида иш бошлаётган хотин-қизларга «Агробанк» АТБ ўзининг замонавий банк хизматлари ва молиявий кўмаги билан мададкор бўлаётди.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ



Хизматлар лицензияланган.

«Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари бўлиб ўтмоқда.

«Хар бир болага меҳр, эътибор!»

Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор жамоат ташкилотлари ташкил этган тадбир «Хар бир болага меҳр, эътибор!» деб номланди. Унда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбир давомида болажонлар учун ранг-баранг томошалар намойиш этилди. Ёш санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури ҳамда «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказининг кўргазмалари-ю Ўзбекистон давлат цирки томошалари болажонларга катта қувонч улашди.

— Байрам жуда қизиқарли ўтмоқда, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи Насиба Мовилонова. — Боғнинг кичик сахнасида бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция юзасидан касб-хунар коллежи, академик лицей ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида викторина ўйинлари ўтказилмоқда. Шунингдек, спортнинг бадий гимнастика, шарқ яккакураши турлари бўйича кўргазмалари чиқишлар, шахмат-шашка, стол тенниси

мусобақалари, асфальтга расм чизиш кўрик-танлови ёшларимизга олам-олам ҳаяжон ва қувонч бағишлади. Викторина ва танловлар ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган совғалар билан тақдирланди.

— Боғда дўстларимиз билан маза қилиб аттракционларда ўқиди, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 115-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Хикоят Саидалиева. — Эртақ қаҳрамонлари билан учрашдик, концертлар томоша қилдик. Бундан ташқари, ташкилотчилар томонидан бизга спорт кийимлари ва боғдаги аттракцион ўйингоҳлар учун бепул бир ойлик чипталар берилди. Бугунги аjoyиб байрам ҳеч қачон эсимиздан чиқмайди.

— Эрталаб боғда бизни карнай-сурнайлар, эртақ қаҳрамонлари қиёфасидаги гаройиб томошалар билан кутиб олишди, — дейди Олмазор тумани 219 мактабнинг 3-синф ўқувчиси Самира Дадилжоннова. — Мен мактабимиздаги шахмат тўғрисида аъзосиман. Туманлараро ўтган мусобақада 1-ўринни олганман. Бугун эса 2-ўринга сазавор бўлдим. Лекин бугунги мусобақалар қизиқарли ўтди. Кўп янги дўстлар орттирдим...

«Хар бир болага меҳр, эътибор!» шiori остидаги байрам тадбирлари кечга қадар давом этди.

Мохира СИДИКМЕТОВА

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Эртақ» номли 14-мактабгача таълим муассасасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан театрлаштирилган тадбир бўлиб ўтди.

СЕН БАХТУ ИҚБОЛИМ, АЗИЗ БОЛАЖОН!

— Болажонларимизнинг қувончи ичига сиймайди, бугун улар кўтаринки кайфиятда боғча келишди, — дейди 14-МТМ услубчиси Наргиза Авазова. — Эртақ қаҳрамонлари эшик олдида уларни кутиб олди. Нонуштадан сўнг театрлаштирилган катта томоша бошланди. Бир-биридан қизик савол-жавобларни ўз ичига олган викторина ўйинларида ғолиб бўлганларга совға-саломлар топширилди. Байрам тушлик дастурхони атрофида давом этди.

— Байрамлар болаларнинг ёдида бир умрга қолади, — дейди тарбиячи Гули Бойматова. — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини мамлакатимизда кенг нишонланди. Аслида болаларни ҳимоя қилиш замирида ҳаётни, унинг давомийлигини асраб-авайлаш ётади.

— Бугунги байрам менга жуда ҳам ёқди, — дейди боғча тарбияланувчиси Элшод. — Катта бўлганимда мен ҳам яхши одам бўламан. Синглимнинг ўйинчоқларини олиб қўймайман. Байрамда кўп болалар шеър айтишди. Энди мен ҳам шеър ёдлайман.

— Кеча отам-онам билан боғча борган эдик, — дейди боғча тарбияланувчиси Элеонора. — Бугун боғчамизда катта байрам бўлди. Ундаги томоша менга ёқди. Катта бўлсам, шифокор бўлмоқчиман.

— Болаларнинг хар бири — бир олам, — дейди тарбиячи Дилором Абдурасулова. — Баъзи пайтларда берган саволларига жавоб беролмай қоламиз. Уларнинг беғуборлиги, оққўнлиги менга ёққанлиги учун ҳам шу касбни танлаганман.

Тадбир якунида болажонларга байрам совғалари топширилди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Санжар ШОТУЛГАНОВ оling суратлар.



Фароқ АЛИЕВ оling суратлар.

Миллий матбуот марказида

Қўриқлаш хизматига

замонавий технологиялар жорий этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қўриқлаш бош бошқармаси томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

— Бугунги кунда бошқармамиз фуқаролар ва объектлар хавфсизлигини таъминлаш, соҳага илғор замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, — дейди ИИВ Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи Тоҳирдин Нажимов. — Ҳозирда бошқармамиз таркибиде фаолият кўрсатаётган 180 техник қўриқлаш пункти томонидан ўн уч мингдан ортиқ объект, 9 мингдан ортиқ фуқаро хонадонлари қўриқланади. Жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида 1500 дан ортиқ объект ва 1400 га яқин хонадон янгидан техник қўриқлаш пунктлари муҳофазасига олинган. Соҳа хизматини тақомиллаштириш мақсадида интеграллашган маълумотни узатувчи «Приток-А» қурилмаси хизматига жорий этилмоқда. Мазкур тизим қўриқланаётган объектлар ва хонадонлар қўриғини ягона тармоқча бирлаштириб, улардан тушаётган ахборотларни марказлаштирган ҳолда йиғиш, кузатиш ва тезкор чоралар қўриш, қўриқлашнинг ишончлилиқ даражасини ошириш имконини беради. Қурилма интернет тармоғи, рақамли, модёмли телефон тармоқлари, GSM уяли алоқа каналлари ҳамда ультра-қисқа тўлқинли радио тармоқларида ишлайди.

Тадбирда қўриқлаш хизматининг ҳаммабоплигини таъминлаш мақсадида хизмат ҳақини камайтириш чоралари қўриқлаётгани маълум қилинди. Қўриқлашга олинган объектлар ва уларда сақланаётган моддий бойликларни ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, тоифаларга бўлиш ва тарифларни 40 фоизгача чегирмалар ажратиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, матбуот анжуманида автотранспорт воситаларига UzGPS миллий мониторинг тизими трекерлари ўрнатилгани ҳамда улар марказлаштирилган техник қўриқлаш кузатув пункти томонидан назорат қилинаётгани ҳақида ҳам ахборот берилди.

Ўз муҳбиримиз.

Диққат: абитуриент — 2017!

Абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш 15 июндан бошланади



Айни кунларда мамлакатимизда навбатдаги ўқув йилини ҳаяжонга элтиб, академик лицей, касб-хунар коллежлари битирувчилари, умуман, талаба бўлишни дилига туккан ёшлар учун ҳаяжонли дамлар бошланди. Жорий йилда олий ўқув юртига қабул ва тест синовларига оид масалалар ҳар бир йигит-қизини қизиқтириши табиийдир. Муҳбиримиз Вазирил Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлими мудири Орзикул Бобоевга айрим саволлар билан мурожаат қилди.

— Абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш қачондан бошланади ва бу йил қабул жараёнида қандай янгиликлар бор?

— Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятга талабаларини қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низомга охириги қиритилган ўзгаришларга кўра, жорий йилдан бошлаб олий таълим муассасаларида абитуриентларнинг ҳужжатини қабул қилиш илгаригидек 20 июндан 20 июлгача эмас, балки 15 июндан 15 июлгача давом этади. Бунинг асосий сабабларидан бири олий таълим муассасаларида ҳужжат топшираётган абитуриентлар сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги бўлса, иккинчидан, тест материалларини сифатли тайёрлаш ва етказиш вазифаси бор. Тест

синовлари ўтказиладиган кун эса ўзгармаган, доимгидек 1 август бўлади.

— Абитуриентларга берилаётган имтиёзларга ҳам тўхталсангиз?

— Маълумки, олий таълим муассасаларига қирувчилар учун бир неча турдаги имтиёзлар тизими мавжуд. Президентнинг 2012 йил 31 май куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қурулди Қўлини сифатида муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарор шунлар жумласидандир. Мазкур қарорга кўра, муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаб тегишли тавсияномага эга бўлган фуқароларимиз учун олий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовини жараёнида тўплаган баллига қўшимча тарзда максимал тўплаш мумкин бўлган баллнинг 27 фоизи миқдориде имтиёзли балл қўшиб берилар эди. Вазирил Маҳкамасининг 2017 йил 4 апрелдаги қарори билан яна бир ўзгариш киритилди. Эндигиде муқаддатли ҳарбий хизматни ўтаб тегишли тавсияномага эга бўлган абитуриентларга республиканинг барча олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижалари бўйича тўплаган баллининг 50 фоизи миқдориде қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрель «Навоий вилоятининг олис чўл туманлари аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорига мувофиқ, Давлат қабул комиссиясига 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест синовлари натижалари бўйича 68 ва ундан юқори баллга эга бўлган, Навоий вилоятининг олис чўл туманларида камда уч йилдан буён истиқомат қилаётган абитуриентларни кейинчалик мутахассислиги бўйича ушбу ҳудудлардаги бюджет ташкилотларида тегишли вилоят ҳокимлиги ва олий таълим муассасаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида камда тўрт йил ишлаб бериш шарти билан қўшимча грант асосида имтиёзли қабул қилиш ҳуқуқи берилди. Қарорда олис чўл туманлари сифатида Қонимех, Учқудук, Томди туманлари келтирилган ва уларга таълимдан ташқари яна ижтимоий, иқтисодий соҳаларда қўпгина имтиёзлар жорий этилди.

— Давлат тест марказида тест жараёнини ўтказишга қандай тайёргарлик қўрилмоқда?

— Бу борада ҳар йили бўлгани каби аниқ режа асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда амалдаги Низомга мувофиқ олий таълим муассасалари қабул комиссиялари томонидан бино ва аудиториялар, тест синовларига қатнашадиган абитуриентлар учун ўринлар ўтган йилдаги сонига йиғирма фоиз қўшган ҳолда тайёрланади. Шу мақсадда республика бўйича 795,0 мингга ўрин ҳозирланмоқда.

Тест синовини ўтказиладиган бино ва аудиторияларнинг Давлат тест марказига тақдим қилинган дастлабки режа-чизмалари жойларда ҳозирланади.

Республика бўйича 17 апрелдан 30 майга қадар Давлат тест маркази вакиллари учун амалий

семинар машғулоти ўтказилди. — 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабулни амалга ошириш жорий этилмоқда. Бу қай тартибда, нималарга эътибор қаратилган ҳолда амалга оширилади?

— Алоҳида таъкидлаш кераки, юртимиздаги олий таълим муассасаларида очилаётган янги таълим йўналишлари ёки таълим муассасаларининг баъзи вилоятларда ташкил этилаётган филиаллари, яратилаётган бошқа имтиёзлар ёшларимиз учун катта имкониятидир. Президентимиз томонидан шу йил 5 май куни қабул қилинган «2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорни барча мамнуният билан қарши олди. Унинг 5-бандида жорий ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул қилиш татбиқ этилади ва уни амалга ошириш Давлат комиссияси зиммасига юклатилган.

Бироқ шунинг ҳам эслатиш жоизки, бундай шаклдаги қабул учун квота белгилашда аввало таълим муассасаларининг мавжуд имкониятлари ҳисобга олинади.

Қолаверса, тўлов-контракт пулининг оширилган ставкаси бўйича қўшимча қабул қилиш ўтиш баллидан паст балл тўплаган, аммо балли 68 баллдан кам бўлган абитуриентлар учун уларнинг оширилган контракт пулини тўлаш истатидан келиб чиққан ва кетма-кетлик тартиби сақланган ҳолда амалга оширилади.

Йўналишлар кесимида оширилган тўлов-контракт миқдори Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ суҳбатлашди.

Спорт

Наманганда слаломда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон кубогининг дастлабки босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ

Унда Наманган, Андижон, Фаргона, Тошкент, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан 100 дан зиёд спортчи ғолиблик учун баҳslashди.

Катта Фаргона канали ҳавасида ўтказилган мусобақанинг турли йўналишлари бўйича яқолик баҳсларида пойтахтлик Алибек Темиргалиев, Жонибек Темиргалиев, Исмоил Абдуллоев, Рамил Кирпичев, Азиз Соғиндиков ва наманганлик Баркамол Мирзахамидов ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Жуфтликлар ўртасида каноэда эшак эшишда Тошкент шаҳри вакиллари ака-ука Алибек ва Жонибек Темиргалиев жуфтлиги ғолиб бўлди. Мазкур йўналишда иккинчи ўрини Наманган вилоятидан Шоҳрух Шамсиев ва Шаҳриод Валижонов жуфтлиги, учинчи ўринни Тошкент вилояти жамоасидан Азиз Соғиндиков ва Миродил Бозорбоев эгаллади.

Мамлакат кубогининг навбатдаги босқичи 20-26 июнь кунлари Фаргона шаҳрида бўлиб ўтади.

А. САТТОРОВ,
ЎЗА муҳбири.

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти (°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+35/+25
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+40/+25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+38/+22
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+42/+25
Андижон, Наманган, Фаргона вилоятлари	+37/+20
Тошкент шаҳри	+38/+22

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638 14267 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 00:45 Toshirilgan vaqti — 01:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 4 5 6